



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI, NAZARIYA VA
INNOVATION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI**



**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO'PLAMI

NUKUS – 2021

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

„TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI“
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO'PLAMI

HAMKORLAR:

Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va adabiyoti
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari



UDK 811.512/821.0

Turkiy filologiyaning dolzarb masalalari, nazariya va innovatsion ta’lim texnologiyalari: xalqaro konferensiya to‘plami (2021-yil 18-oktabr)/O‘zR Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti. – Nukus, Nukus pedinstituti tipografiyasi, 2021.

To‘plamdan o‘zbek va turkiy tillarning nazariy masalalariga, shuningdek, o‘zbek tilini o‘qitishning dolzarb muammolariga bag‘ishlangan maqolalar o‘rin olgan. Undan mazkur sohalarda ilmiy tadqiqot olib borayotgan olimlar, tadqiqotchilar, magistrant va talabalar foydalanishi mumkin va til nazariyasi hamda o‘qish-o‘qitish ishlarida ilmiy- amaliy ahamiyat kasb etadi.

Mas’ul muharrir:

Pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent Sh.Buranova

Taqrizchilar:

Nukus DPI O‘zbek tili kafedrasi
dotsenti f.f.d. G.Kurbaniyazov
QDU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi
dotsenti f.f.n. I.Qurbanboyev

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O‘quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2021-yil 8-noyabrdagi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

© Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, 2021

қарақалпақлардың көп әсирлер дауамында қәлиплескен ҳәм эволюциялық басқышлардан өткен объектив орталық хақындағы қараслары өз көринисин тапқан.

Әдебиятлар:

1. Баҳадырова С. «Арал бойы халықларының мифлери» гранты бойынша жыйнаған дала жазыўлары. 1-дәптер //Информатор: Қалилаев Ибат. 1926-жылы Әмиүдәръяның қыпшак районында туўылған. ӨзР ИА Қб Фундаментал китапханасының Қол жазбалар фонды. Р-538, №176382.
2. Бекимбетов А. Дала жазыўлары Р-1302. №183830 // Информатор: Қалбай Нуралинов 79 жаста.
3. Мифлер. Араб тилинен аўдарған А.Идирисов. 2014. – Б. 26. // ӨзР ИА Қб Фундаментал китапханасының Қол жазбалар фонды Р-1299, №183812. Аудио жазылмадан қағазға түсирген П.Әтениязов.
4. Хошниязов Ж. Дала жазыўлары Р-1207. №182886 // Информатор: Арзуев Шауке 1910-жылы туўылған. Миллети қарақалпақ урығы бессары.

АДАБИЙ ТОПИШМОҚЛАР ЯРАТИЛИШИГА ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ражабова Раъно Зариповна

*Бухоро давлат университети ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д (PhD),*

Аннотация. Мақолада халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий, анъанавий паремик жсанрларидан бири бўлган топишмоқ жсанрини кейинчалик ёзма адабиётда маълум муаллифлар томонидан ёзма шаклда шеърият қонуниятлари асосида яратилган адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жсанрий белгиларнинг ифодаси далилланган.

Таянч сўзлар: адабий топишмоқ, топишмоқ, халқ оғзаки ижоди, қиёслаш, топишмоқ, метафора, жонлантирии, ўхшатиши, сифатлаши, муболага, метонимия.

Ҳаётни ўзига хос бадиий идрок этиш шакли бўлган топишмоқ ўзбек фольклорининг оммавий жанрларидан биридир. Инсон ва уни ўраб олган олам топишмоқларда кўчимлар, ўхшатишлиар, таққослашлар, қиёслар, солиширишлар, саволлар воситасида ўзига хос поэтик шаклда акс этади. Бу

жиҳати билан у инсоният бадиий тафаккури тараққиётида фавқулодда ҳодиса бўлиб, унда образли зухур этган ҳаёт парчаси топишмоқнинг жавоблари орқали реаллашади. Жанрнинг поэтик табиатига хос бўлган бундай умумий хусусият барча халқлар топишмоқларига тааллуқлидир. Демак, у – халқаро жанр. Шу билан бирга ҳар бир халқнинг топишмоғи ўша халқ ҳаёт тарзининг ифодаси сифатида ўзига хос, оригинал, жозибали ва беназирдир.

Шакли, вазифаси, иш-ҳаракати ва ҳолати жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки предмет, нарса ва ҳодисадан жумбоқланиб, иккинчисига хос ўхшаш белгилар асосида уни топишга мўлжаллаб шеърий ёки насрий тузилишда берилган савол ёки топшириқ топишмоқ деб юритилади [1: 282]. Масалан, «Бир парча патир, Оламга татир» топишмоғини олайлик. Бунда тўлин ой билан патир бир-бирига таққосланган ва уларнинг шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги аниқланган. Шу тариқа топишмоқнинг жавоби – ойнинг жуда чиройли ва ўринли кўчими – патир топилган. Патирнинг инсон учун ниҳоятда тўйимли озуқа эканлигини, ойнинг эса, қоронғи тунни мунаvvар қилишлигини, ҳар икки ҳолат ҳам инсоният учун қаратилганлигини ҳисобга олсак, улар орасида жуда катта маънавий яқинлик борлиги ҳам аён бўлади. «Топишмоқ» термини «топ» буйруқ феълига -«иш» ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалган ва унга - «моқ» формасини қўшиш билан жанр атамаси юзага келган.

Топишмоқлар республикамизнинг турли туманларида ўша жойларнинг локаль хусусиятлари ва шевасига кўра, жумбоқ, жуммоқ, жумоқ, топмача, топар чўпчак, топ-топ, топ-топ чўпчак, матал, масала, ушук каби хилма-хил сўзлар билан ҳам ифодаланади. Аммо ҳозирги пайтда «топишмоқ» ягона илмий-адабий термин сифатида тўла ўзлашди, қолганлари эса, тор доираларда ва айрим кекса кишилар нутқида ишлатиладиган бўлиб қолди [2: 100].

Ўзбек халқ топишмоқлари тематик жиҳатдан ғоятда бой ва ранг-барангдир. Халқимиз ижтимоий-маиший турмушининг мамлакатимиз табиати, географияси, экологияси, наботот ва ҳайвонот оламининг, инсон ва коинотнинг бирор соҳаси йўқки, улар ҳақида бир-биридан гўзал, ғоятда ихчам ва сиқиқ топишмоқлар яратилмаган бўлсин. Ер ва осмон, дарё ва кўллар, тоғу тошлар,

дов-дараҳат ва ўрмонлар, мевазор боғлар ва кенг далалар, оила-рўзгор жиҳозлари ва меҳнат қуроллари, момақалдироқ ва чақмоқ, сел ва бўрон, зулмат ва ёруғлик, ой ва фасллар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, ўқув қуроллари ва мусиқа асбоблари, замонавий технология ва техника воситалари, инсон ва уни ўраб олган муҳит ҳақида кўплаб топишмоқлар тўқилиб, авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг кунларимизгача айтилиб келинмоқда.

Топишмоқлар шартли яширин нутқ асосида юзага келган бўлиб, унинг замини кишиларнинг қадимий эътиқод ва тасаввурлари, оламни била бориш ва идрок этиш даражаси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, З.Хусаинованинг ёзишича: «Ўтмишда табиат ва табиат ҳодисаларининг ўзи бир жумбок бўлганки, одамлар унинг сирини билмаганлар ва еча олмаганлар, уларга у сирлар бир мўъжизадай бўлиб кўринган... Шахс ўзини қуршаб турган ташқи объектив оламни таний бошлаган бир пайтда ундаги нарса ва ҳодисаларнинг қайси йўл билан яратилишини англаш, билиш истагида нарса ва ҳодисаларни бир-бирига солишириш, қиёслаш ва баъзан қарама-қарши қўйиш билан ўргана бошлаган. Улар қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатининг, чақмоқ чақиши, кўк гулдураши, булут келиши, шамол эсиши, қор-ёмғир ёғиши кабиларнинг моҳиятини тўла англаб етмаганлар ва анимистиктушунчаларга асосланиб, уларнинг ҳаммасида жон бор, деб тасаввур қилганлар. Бундай тушунчаларнинг баъзи кўринишлари топишмоқларда ҳам учрайди. «Бир отаси, бир онаси, неча юз минг боласи» топишмоғида қуёш, ой, юлдузлар инсонга қиёс қилиниб, жонлантириб берилиши ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ. Чунки инсон ҳали табиат ва унинг сирларини тўғри тушуниб ета олмаган, тотемистик тушунчалар ҳукмон бўлган пайтларда қуёш ва ойни оталик ва оналик бошланғичи – ота ва она деб тасаввур этган»[2: 101].

Халқ топишмоқлари сингари адабий топишмоқлар ҳам мавзусига кўра жуда бой ва ранг-барангдир. Улар табиат ҳодисалари, ой ва фасллар, ер ва осмон жисмлари, сувликлар, тоғу қир-адирлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон тана аъзолари, мева-сабзвотлар, полиз экинлари, рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, меҳнат қуроллари, мусиқа асбоблари, замонавий техника турлари,

ўкув воситалари, озиқ-овқат турлари ҳақида учрайди. Адабий топишмоқларда худди халқ топишмоқлари сингари ҳам ўтмиш буюмлари, ҳам ҳозирги пайтда фан-техника ва маданиятнинг ривожланиши натижасида ҳаётимизга кириб келган. Адабий топишмоқлар, асосан, шеърий қўринишида яратилиши, поэтик жиҳатдан ўхшатиш, қиёслаш, зидлантириш ва шартли кўчимга асосланади. Адабий топишмоқ халқ топишмоқлари тузилиши ва услубида яратилган эса-да, маълум бир шоир томонидан ижодий яратилганлиги учун адабий топишмоқ сифатида қаралади. Улар ритмик изчиллиги, бадиий оҳангдорлиги, қофияларнинг мўл-кўллиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Халқ топишмоқлари тузилиши жиҳатидан насрий ёки шеърий шаклга эга бўлса, адабий топишмоқларни, шеърий тузилишдаги топишмоқлар ташкил этади. Уларда шеър шаклига хос банд, мисра, вазн, туроқ, қофия, баъзан ҳатто радиф ҳам кабиларга тўла амал қилинганлиги кузатилади. Масалан:

Бир предмет ҳақида бир неча вариантдаги халқ топишмоқларини учратиш мумкин бўлгани каби бир ижодкорнинг бир нарса ҳақида бир неча вариантда яратган топишмоғига дуч келиш мумкин. Масалан, Набижон Эрмат яратган 99 шеърий топишмоқнинг 26-си ҳамда 97-си хотин-қизлар қулоғига тақадиган “зирак” тақинчоғи ҳақида.

Бувим, онам, синглимнинг
Қулоғидабор “гап”и.
Жилоланибтитранар,
Шу-да унинг одати (Зирак) [3: 43].

Митти гул чиройини,
Ўз акси деб билади.
Қулоғингга осилиб
Жилоланиб туради. (Зирак) [3: 25].

Ҳар иккала топишмоқда ҳам қулоқда жилоланиб турувчи предметга ишора қилинаётганлиги эътиборлидир.

Адабий топишмоқлар поэтик жиҳатдан ўхшатиш ва қиёслашга, зидлантиришга, шартли қўчимга асосланиши, тузилишига кўра жуда ихчам, ички ва ташқи қофияли, ҳаётий қамрови кенг шеър сифатида намоён бўлиши билан болалар шеърияти орасида алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Охунжон Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди. Дарслик. –Т.: Мусиқачи 2010. – Б.382.
2. Ҳусаинова З. Топишмоқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, биринчи том. – Т., 1988, 100-101-б.
3. Эрмат Н. 99 Тез айтиши ва топишмоқлар [Матн] Н. Эрмат. – Тошкент: “Муҳаррир” нашириёти, 2019. – Б.46.
4. Rajabova R. Z. The Influence Of Folk Riddles On The Creation Of Literary Riddles //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 07. – С. 278-284.
5. Rajabova R. Z. PROSE TALES AND THE INFLUENCE OF FOLK TALES ON THEIR WORK //ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА, ЖУРНАЛИСТИКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ. – 2020. – С. 9-11.
6. Qodirova, R. (2022). NO`MON RAHIMJONOV - SHE`RSHUNOS OLIM. ILMIY NASHRLAR MARKAZI (buxdu.Uz), 8(8).
7. Садуллоевна Р. Қ. Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқига Оид Айрим Кузатишлар //Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 207-210.
8. Qodirova R. ABDULLA ARIPOV'S WORK DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IS INTERPRETED BY NUMAN RAKHIMJANOV //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.

Есебаев М. Мифлер – халық әпосларының пайда болыўы ҳәм кәлиплесиүинин бир дереги спатында	635
Алламбергенов X., Усмонова Н. Туркий мифологияда ғайритабиий одам тимсоли	640
Zoyirova G.N. Shoir Samandar Vohidov dostonlarida folklorizmlarning namoyon bo‘lishi	644
Бекимбетов А.М. Мәканжайлардың пайда болыўы ҳақында қарақалпақ әпсаналары	648
Ражабова Р.З. Адабий топишмоқлар яратилишига халқ топишмоқларининг таъсири	652
Нуратдинова Г.К. Аўызеки гүрринлердин жанрлық тәбияты	656
Турдалиев Д.О. “Эр ўз хотинининг тўйида” сюжетининг “Алпомиш” ўзбек халқ достонидаги поэтикаси	661
Achilova N.N. Turkiy folkorda ajdaho obrazining talqinlari	669
Saitova Z.K. Dunyo xalqlari ertaklarining g‘oyaviy-mazmuniy yo‘nalishi	672
Qurbanova G. “Tubsiz osmon” qissasida folklor an’analari	676
Алламбергенова Г.К. Эпсларды жәхән илими стандартлары дәрежесинде үйрениўдин илимий-теориялық тийкарлары	679
Қодиров У.А. Бир эртак таҳлили	688
Қўчкорова П.А. Халқ оғзаки ижоди асарларини ижро этиш жараёнида пайдо бўлиши ва шаклланиши	691
TURKIY XALQLAR TILI VA ADABIYOTINI O‘QITISHDA INNOVATSION TA’LIM TEKNOLOGIYALARI	
Qazaxbaev S. Qaraqalpaq adebiyatín oqítív texnologiyasí máqset hám wazíypalarí	694
Юлдашева Ш.Ш. Инновацион таълим шароитида ўзбек тилини ўқитишини рақамлаштириш ва унинг имкониятлари	698
Buranova Sh.M., Sultanova A.M. Davlat tili ta’limi va uni takomillashtirish masalalari	712
Qurbanova X.Q. Ona tilini o‘qitishda innovatsion ta’lim texnologiyalari	716
Булекбаева Ш.Б. Туркий тилларни қиёсий ўргатишида инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш	720
Soatova N., O‘razaliyev M. Badiiy asardagi obrazlarni o‘rganish xususida (“O‘tkan kunlar” romani misolida)	725
G‘ulomova N.S. Alisher Navoiy va Bobur ijodini o‘rgatishda innovatsion ta’lim texnologiyalaridan foydalanish	730